

ЮНЕСКОНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАРГА ЮКСАК ИШОНЧНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг очилиш маросимида иштирок этиш учун 30 октябрь куни Самарқандга ташриф буюрди.



Эзгу анъанага мувофиқ, аввало, Имом Бухорий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Президентимиз мажмуадаги сўнгги пардозлаш ишлари, ҳудудда амалга оширилаётган ободонлаштириш жараёнлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мазкур мажмуа буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тутган юксак макеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Зиёратчиларга ҳар томонлама қўлай шароит яратилди.

Мажмуа ҳудуди кенгайтирилиб, айни пайтда унинг умумий майдони 44 гектарга етди. Мўътабар мақбара, 10 минг кишилик масжид ва маъмурият биноси, музей, кинриш ва чиқиш айвонлари қуриб битказилган. Зиёратгоҳнинг 4 бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаган.

Давлатимиз раҳбари янги масжиддаги бунёдкорликни кўздан кечирди.

Президентимиз ҳар гал Самарқандга келганида мажмуанинг қурилиши жараёни билан танишиб, бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклигини таъкидлаганди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА СЛОВАКИЯ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Президенти Петер Пеллегрини амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

30 октябрь куни Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Республикаси Президенти Петер Пеллегрини музокара ўтказдилар.

Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди.

Барча даражаларда икки томонлама алмашинувлар ижобий суръат билан давом этаётгани, шунингдек, устувор йўналишларда ҳамкорлик мустақамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йилда сиёсий маслаҳатлашувлар ва Хукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши муваффақиятли ўтказилди. Ишбилармонлик алоқалари фаоллашди. Қўшма корхоналар сони уч баробар кўпайди.

Товар айирбошлаш ва инвестицияларнинг ҳажмини ошириш, шунингдек, муҳим тармоқларда саноат кооперацияси лойиҳаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистондан тўқимачилик, чарм, мева-сабзавот ва бошқа хариддоригр маҳсулотлар, Словакиядан каучук, автомобиллар учун бутловчи қисмлар, фармацевтика

ва бошқа саноат товарлари етказиб бериш кўпайтиришга келишиб олинди. Шу мақсадда миллий маҳсулотлар кўрғазмаларини ўтказиш, савдо уйлари очиш режалаштирилган.

Рақамлаштиришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Банкларнинг киберхавфсизлик мониторингини юритиш ва юк ташишларни кузатишнинг илгор тизимларини жорий этиш бўйича қўшма марказ ташкил қилиш масаласини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Словакия бизнеси билан автомобиль бутловчи қисмлар, тайёр сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

Гуманитар ва таълим алмашинувларини фаоллаштириш истиқболлари кўриб чиқилди. 2026 йилда Братислава шаҳрида икки мамлакат ректорларининг биринчи форумини ўтказиш, туризм кўрғазмалари ва ўзаро Туризм кунларини ташкил этиш таклиф қилинди. Тартибли меҳнат миграциясини йўлга қўйиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш, шунингдек, минтакавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ 43-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Раис Жаноби Олийлари!
Хурматли Азуле Хоним Олиялари!
Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Сизларни асрлар давомида маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган бетакрор Ўзбекистон диёрида самимий қутлашдан беҳад бахтиёрман.

Конференциямиз сўнгги 40 йил ичида илк бор ЮНЕСКО Бош қароргоҳидан ташқарида — кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанд заминида бўлиб ўтмоқда. Бу бизга албатта катта ифтихор бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманимизда иштирок этаётган Сербия Президенти, хурматли Александр Вучич Жаноби Олийлари, Словакия Президенти, хурматли Петер Пеллегрини Жаноби Олийлари, ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле Хоним Олиялари, барча иштирокчи давлатлар делегацияларига чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бундай нуфузли форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётганини Ташкилотга

аъзо давлатларнинг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кент қўламли, жадал ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси, деб қабул қиламиз.

Шонли саксон йиллик юбилейини нишонлаётган ЮНЕСКО ўтган давр мобайнида таълим, илм-фан, маданият, санъат, ахборот соҳасида глобал ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик борасида жаҳондаги нуфузли институт сифатида ўзини намойён этиб келмоқда.

Ташкилотимизнинг дунё халқларининг миллий ўзлигини сақлаш, маданий меросини асраб-авайлаш, турли динлар ўртасида яқин мулоқотни кучайтиришдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Анжуманимиз инсониятнинг тарих солномасига гуманистик гоғлар, нодир билимлар, цивилизациялараро мулоқот маркази сифатида кирган Самарқанд шаҳрида ўтказилаётганида чуқур рамзий маъно бор.

Бу қадимий кент азалдан башариятнинг буюк кашфиётлари бешиги, илм-фан, ада-

биёт ва маданият гуллаб-яшнаган маскан бўлган. Биргина мисол. Улуғ ҳукмдор ва аллома Мирзо Улуғбек барпо этган расадхона гумбазлари остида ноёб юлдузлар жадвали яратилган. Бу жадвал кейинчалик Коперник ва Кеплер каби машҳур олимларнинг илмий кашфиётлари очилишига хизмат қилгани тарихдан яхши маълум.

Уч минг йиллик шонли ўтмишга эга, Буюк ипак йўлининг дурдонаси бўлган, миллат ва элатларнинг тинчлик ва дўстлик макони — муаззам Самарқандга хуш келибсизлар!

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Шиддат билан ўзгараётган дунёда гуманитар соҳада глобал консенсус ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларининг заифлашаётгани, албатта, барчамизда жиддий тавшвиш уйғотмоқда.

Геосиёсий кескинлик ва ҳарбий можаролар таъсирида сайёрамиздаги ноёб ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар ва бебаҳо маданий мерос катта зиён кўрмоқда.

Давлатлар ўртасида билим ва технологиялар, рақамли ресурслардан фойдаланиш бўйича тафовут ортиб бормоқда. Бунинг натижасида имкониятлар тенгсизлиги ва қашшоқлик кучаймоқда. Бундай мураккаб вазият ЮНЕСКОнинг асосий вазифаларини тўлиқ амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларимизни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Биз ЮНЕСКОнинг олижаноб ва эзгу мақсадларига қатъий содиқ эканимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида уйғунлик кўприги, барча учун очиқ ва конструктив ҳамкорлик майдони бўлишга ҳамisha тайёр.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида сўнгги йилларда ўзаро ҳамкорликни янги сифат босқичига кўтариш учун изчил ҳаракат қилмоқда. Жумладан, 2027 йилгача бўлган беш йиллик ҳамкорлик дастури самарали амалга оширилмоқда. Буюк аجدодларимиз — Абу

Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Али Қўшчи, Камолиддин Беҳзоднинг юбилейлари, Хоразм Маъмун академияси сингари илмий даргоҳлар, “Алпомиш” эпоси каби адабий ёдгорликларнинг тарихий саналари халқро микёсда кенг нишонланди.

Бутунжамон мероси рўйхатида кирган Хива, Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанд шаҳарлари қаторига Зарафшон — Қорақум йўлаги бўйлаб жойлашган бебаҳо обидалар ҳам қўшилди. Бу рўйхатдан жой олган Ғарбий Тянь-шань ва Турон чўллариининг табиий ҳудудлари ҳам минтақамизнинг ноёб биологик хилма-хиллигини яққол намойён этади.

Бундан ташқари, “Шашмақом”, Катта ашула, “Лазги” рақси, аския, қулоччилик ва наққошлик санъатлари, Наврўз айёми, атлас ва адрас ишлаб чиқариш анъанаси каби йиғирмага яқин номоддий мерос намуналарини дунё халқлари муносиб эътироф этмоқда.

➤ Давоми 2-бетда

ДАРЁЛАР ОҚҚАН ЖОЙЛАРИГА ЯНА ОҚМОҚ УЧУН ҚАЙТИБ КЕЛАДИЛАР

Ҳозир дунё халқлари ҳаётининг бир соғинч билан яшамоқда. Бу — бағрикенглик, ҳамжиҳатликда ривожланиш, аҳил бўлиб, ўзаро тинч ва хотиржамликда яшаш орзуси. Тарихан олганда, инсоният ҳамisha шу орзу йўлида курашиб келади. Аммо тақдир ҳар кимнинг олдида жиддий синовлар қўйиши табиий. Шундай экан, бугун тинчлик ва бағрикенглик тутумларини замонавий талқинда истифода этиш йўлини танлашимиз жоиз бўлади. ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясига мезбонлик қилаётган Самарқанд шаҳрининг бугунги руҳи бутун дунёга ана шу ҳақиқатни англатаётгандек, назаримизда.

Шу кунларда жаҳон афкор оммасининг нигоҳи қадим ва ҳамisha навқирон Самарқанд томонда бўлса, яна бир эътибори Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг дунё халқларини эзгу мақсад йўлида бирлаштириш ташаббуслари ва тинчликпарвар, фаровонлик сиёсати ҳаётлигида бўлиб турибди.

Биз бежиз бу ҳақда сўз бошламадик. Кунни кеча ЮНЕСКО тадбири очилиш

маросимида сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Хондкер Муҳаммад Талха, ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле Самарқанд руҳи, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳақида кўп яхши ва самимий фикрлар билдирди.

— Сизнинг гўзал мамлакатингизда, Амир Темур, Бобур ва Алишер Навоийлар юртида бўлишдан бағоят мамнунман, — деди Хондкер Муҳаммад Талха. —



Бобур Мирзо бир пайтлар шундай деган эди: “Бутун дунёда Самарқанд каби ёқимли шаҳарлар жуда кам”. Мана, ул зот эътироф этган айнан ана шу шаҳар — гўзал ва қадимий Самарқандда бўлиб турибмиз. Асрлар давомида бу маскан гоғлар, тиллар ва анъаналарни ўзаро боғлаб турган марказ бўлган. У олимлар, сайёҳлар расом ва ижодкорларни ўзига жалб қилиб келган. Самарқанднинг

географик жойлашуви ва маданий мероси инсоният тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган. Бу ерда буюк аллома — Беруний, шунингдек, тиббиёт отаси Абу Али ибн Сино сингари донишмандлар фаолият юритган. Шундай экан, бугун бу шаҳар бағрида туриб, инсониятнинг ўзини англаш йўлидаги узоқ тарихни, маданиятлар учрашган нуқтани ҳис этмоқдамиз.

Дарҳақиқат, Ер сайёрасининг кўёш томонга энг чиройли бурилган ҳолати деб таърифланган ушбу кўҳна кент асрлар давомида Шарқу Ғарбни боғловчи асосий кўприк сифатида инсоният тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган.

Азуле хоним эса Ўзбекча лутф билан “Самарқандда сизлар билан бирга эканимдан хурсандман”, деди.

Шунингдек, “Бугун биз Самарқандда йиғилганимиз ўзига хос тарихий воқеадир. ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси 40 йил ичида биринчи мартабо Париждаги бош қароргоҳдан ташқарида ўтказилмоқда.

➤ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ АСОСИЙ ҲАМКОРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ЮНЕСКО ташкилоти доирасидаги фаоллиги ошиб бормоқда. Бунга мамлакатимизнинг халқаро сиёсатдаги очиклик, маданий дипломатияни кучайтириш ва таълим тизимини яхшилашга қаратилган интилишлари асосий омил бўляпти. ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини ошириш, икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим платформа вазифасини ўтаб келяпти.

➤ Давоми 3-бетда





2025 йил 31 октябрь, 223-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ 43-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Хурматли дўстлар!
Самарқанддаги Бош конференция доирасида юртимизда қатор кўшимча тадбирлар ўтказилди. Жумладан, кўна Бухорода илк марта замонавий санъат биеналеси бўлиб ўтмоқда, пойтахтимизда ЮНЕСКО шафелигида Мактабгача таълимни ривожлантириш минтақавий маркази очилди, Абу Райхон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофотининг совриндорларини тақдирлаймиз, музейлар фаолиятида сунъий интеллектнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилмоқда, олий таълим соҳасидаги квалификацияларни тан олишга оид Глобал конвенцияга ҳам қўшилამиз.

Ташаббусларимизни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, халқаро тадбирларимизда фаол иштирок этиб келаётгани учун барча аъзо давлатларга алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Азиз меҳмонлар!
ЮНЕСКОнинг глобал мақсадларига эришиш ва кўп қиррали ҳамкорлигимизни янги bosqichga олиб чиқишни даврининг ўзи тақозо қилмоқда.

Кун тартибидagi асосий масалалар бўйича қатор тақдирларини илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, инклюзив таълимни ривожлантириш ва соҳада сунъий интеллект технологияларини кенг қўллаш бутунги куннинг долзарб вазифасига айлانмоқда.

Жисмоний ва ижтимоий хусусиятларидан қатъи назар, ҳар бир болага таълим олиши учун тенг имкониятларни яратиб бериш жуда муҳимдир. Бу борада ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун Инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таълим соҳасида ўзаро билим ва тажриба алмашиши учун халқаро мулоқот форматини яратиш мақсадида Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш бўйича режамизни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонамиз.

Ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган ва креатив фикрлайдиган янги авлодди тاربиялаш устувор вазифамиздир. Сунъий интеллектни таълим тизимига кенг жорий этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО иштирокида “Сунъий интеллект — мактаб” намунавий лойиҳасини амалга оширишга тайёриймиз.

Шунингдек, ЮНЕСКО шафелигида барча кўнгаларнинг етакчи олийгоҳлари, педагогика ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари иштирокида Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар анжуманини ўтказишни таклиф этамиз.

Иккинчидан, инсониятнинг бебаҳо хазинаси бўлган жаҳон номоддий маданий меросини сақлаб қолиш учун биргаликдаги саяё-ҳаракатларини кучайтиришимиз зарур.

Бундай ноёб мерос объеклари бўлган халқ оғзаки ижодиёти, қўлёзмалар, архивлар ва қимматли тарихий ҳужжатлар, маданий маълумотларни сақлаш, уларнинг барча учун очиклигини таъминлаш мақсадида яратилган ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Дунё маънавий хазинасини жамлаган ушбу дастур яратилган санини ҳар йили нишонлаш мақсадида 19 ноябрни Халқаро ҳужжатли мерос кuni, деб эълон қилишни, шунингдек, ЮНЕСКО тузилмасига қирадиган Рақамли мерос бўйича халқаро институтини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Маълумки, қадимий Бухоро хунармандчилик бўйича ЮНЕСКО Ижодкор шаҳарлар тармоғининг аъзоси ҳисобланади. Биз ушбу шаҳарда 2027 йили маъмур йўналишида халқаро конгрессни қабул қилишга тайёриймиз.

Учинчидан, хотин-қизларнинг етакчиликл қобилияти ва компетенциясини таъминлаш учун глобал дастурларни фол ишга тушириш, айниқса, муҳимдир.

ЮНЕСКО статистика институти маълумотларига кўра, жаҳонда илмий ва маданий муассасалар раҳбарларининг 25 фоизи, таълим соҳаси бошқарувчиларининг 30 фоизи, тадқиқотчиларининг 33 фоизи хотин-қизлардир. Бу эса аёллар ҳуқуқларини таъминлашда, афсуски, тенгсизлик ҳамон сақланиб қолаётганини тасдиқлайди.

Баҳоланки, гендер тенглиги ЮНЕСКОнинг фундаментал, устувор вазифаларидан бири бўлиб, Ташкилотнинг барча ташаббуслари унга интеграция қилиниши зарурлиги белгилаб қўйилган. Бу борада аъзо давлатларнинг энг илгор тажриба ва амалиётини ўрганиш, билимлар алмашиш мақсадида Хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО академиясини ташкил этиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, Самарқандда барча кўнгаларнинг машхур тадқиқотчилари, санъат намоянадалари, педагог ва иxtiroчи хотин-қизларнинг Таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, иқлим иқтирозига қарши биргаликда самарали курашиш ҳам долзарб масалалардир. Ўртача ҳароратнинг сезиларли даражада қўрилиши, музликларнинг эриши, қўлланиш, туپроқ қاپламлари емирилиши, урбанизация жараёналари маданий мерос объектиларининг ҳолатига жиддий таъсир ўтказмоқда.

Атроф-муҳитга масъулият билан ёндашаётган, “яшил” дастурларни муваффақиятли татбиқ этаётган шаҳарларни алоҳида эътироф этиш ва рағбатлантириш бўйича “ЮНЕСКОнинг Экологик пойтахти” глобал ташаббусини илгари сураимиз. Бундан ташқари, ЮНЕСКО Ижрия Кенгашининг “Глобаллашув ва иқлим ўзгаришлари шароитида маданий меросни асраб-авайлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги резолюциясини ишлаб чиқиш тарафдоримиз. Мазкур масала бўйича Хива шаҳрида халқаро симпозиум ўтказишга тайёриймиз.

Бешинчидан, виртуал маконда ноҳолис ахборотларни тарқатиш, жамоатчилик фикрини чағиртиш, дискриминацияга қарши биргаликда самарали чоралар қўриш жиддий заруратга айланди.

Рақамли трансформация муҳитида дунёқараш шаклланаётган ёш авлодининг энг яхши ижодий ишлари, мультимедия гоғларини ўзаро алмашиш учун Болалар маданий контенти халқаро фестивалини ўтказиш ташаббусини билдираимиз.

Маълумотларни таҳлил қилиб эдиш, ёшларни манипуляциядан ҳимоя қилиш, ахборот шаффофлигини таъминлаш мақсадида ЮНЕСКОнинг Медиа саводхонлигини ривожлантириш бўйича кенг қаровли стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Яна бир масала. Дунёда динлараро зиддиятлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва тотувлик каби умуминсоний гоғларини кенг тарғиб этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Ислом маданияти ва маърифатини дунёга тараннум этиш орқали радикализм ва исломофобияга қарши самарали курашиш мумкин. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган ноёб лойиҳалар — Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳауддин Нақшбанд тадқиқот марказлари салоҳиятидан биргаликда фойдаланишга қачирамиз.

Қадрли дўстлар!
Бутунги анжуман ҳамкорлигининг янги йўналишларини белгилаб, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш, барқарор ривожланиш бўйича глобал ҳамкорлик механизмларини кучайтириш борасида ушбу амалий қадам бўлишига аминман.

Ҳеч шубҳасиз, ЮНЕСКОнинг боқий аънава ва қадриятларидан куч олаётган “Самарқанд руҳи” бизни умумий тараққиёт сари янада бирлаштишга ундайди.

Бу эгзу йўлда барчангизга янги омад ва зафарлар, ЮНЕСКО сессияси ишига эса муваффақият тилайман.

Сививе ГВАРУБЕ, Жанубий Африка Республикаси таълим вазири:
— Аввало, Ўзбекистонни Бош конференциянинг аjoyиб ташкил этилгани билан табрикламоқчимиз. Биз ўзимиз ҳам G20 давлатлари саммитини Африка заминида биринчи марта ўтказиш тажрибасига эгаимиз.

Менимча, бу ерда ҳозир буларларнинг барчаси Ўзбекистон ушбу конференцияга юкори даражада тайёргарлик кўрганига гувоҳ бўлъяпти. ЮНЕСКО каби ташкилотлар томонидан ўтказилган муҳокамалар фақат Париждаги бош қароргоҳ билан чекланиб қолмаслиги муҳим.

Биз учун энг муҳими, Самарқандда эканлигимиз. Яқинда G20 Таълим бўйича ишчи гуруҳи йилгишлшга мезбонлик қилдик ва бу тарихий учрашулардан бири бўлиб, унда дунёнинг тобора кучайиб бораётган бўлишларига қарамай, таълимнинг муайян тамоийллари бўйича келишиб олиганини кўрдик.

ЮНЕСКОНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЖАДАЛ ИСЛОХОТЛАРГА ЮКСАК ИШОНЧНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Бошланиши 1-бетда

Шу мақсадда янги мажмуада инновацион музей ҳам ташкил этилди. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намён этади. Шунингдек, музейда Қуръони каримда ислари зикр қилинган 25 та пайғамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаҳариси, Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланishi ва ёзилши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Зиёратгоҳ атрофидаги меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларида ҳам қурилиш ишлари якуний bosqichga кирган. Битта тўрт юлдузли, иккита уч юлдузли ва 22 та оилавий уй меҳмонхоналари ташкил этилди.

Президентимиз мажмуа фаолиятини сифатли ташкил этиш, одамларга қўлайликларни кенгайтириш, ашил майдонларни кўпайтириш бўйича қараршмалар берди.

Эгзу ниятлар билан мажмуа ҳудудига дарахт кўчатлари ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мақбарасига гул қўйди. Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференцияси 43-сессиясининг очилиш маросимида иштирок этиди.

Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчиларини маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган меҳмондўст Ўзбекистон заминида самимий қўтлади. Сербия Президенти Александар Вучич, Словакия Президенти Петер Пеллегрини, ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари раҳбарлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, барча делегацияларга конференцияда иштирок этаётгани учун чукүр миннатдорлик билдирди.

Президентимиз сўзининг аввалида бу галги сессия сўнгги 40 йилда биринчи марта ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳидан ташқарида ўтказилаётганини таъкидлади.

— Бундай нуфузли форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётганини Ташкилотга аъзо давлатларнинг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўллаш, жадал ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси деб қабул қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон етакчиси ташкилот ўзининг 80 йиллик фаолияти давомида таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларида глобал ҳамкорлигини, ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўмақлашадиган нуфузли халқаро институтга айланишга қайд этиди.

Шу маънода, халқларнинг миллий ўзига хослиги, уларнинг маданий меросини сақлаб қолиш, турли динлар ўртасида яқин мулоқотини мустаҳкамлашда ЮНЕСКОнинг роли ортим бораётгани таъкидланди.

— Анжуманнинг инсониятнинг тарих солномасига гуманистик гоғлар, нодир билимлар, цивилизациялараро мулоқот маркази сифатида кирган Самарқанд шаҳрида ўтказилаётганида чукүр рамзий маъно бор, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Давлатимиз раҳбари илм-фан, адабиёт ва маданият бешиги бўлган Самарқанднинг буюк меросини ёдга олди. Хусусан, Коперник ва Кеплер кашфиётларига асос бўлган машхур юлдузлар жадвали яратилган Мирзо Улуғбек расадхонасини эслабди ўтди. Президентимиз меҳмонларни Буюк ипак йўли дурдонаси, тинчлик ва халқлар дўстлиги диёри бўлган Самарқанд руҳидан баҳраманд бўлишга чорлади.

Геосийёсий кескинлик ва ҳарбий низолар ноёб ёдгорликлар ва маданий меросга зиён етказаяётгани, билим ва рақамли технологиялардан фойдаланишдаги тафовут глобал тенгсизликни кучайтираётгани қайд этилди.

Ўзбекистон раҳбари бундай мураккаб шароитда ЮНЕСКОнинг асосий вазифаларини бажариш учун бирдамликни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Ўзбекистон ташкилотининг эгзу мақсадларига содиқлигини, конструктив ҳамкорлик учун очик майдон сифатида Шарк ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида кўпирк бўлиб хизмат қилишга тайёргилигига яна бир бор тасдиқлади.

Бутунги кунда мамлакатимиз ЮНЕСКО билан 2027 йилгача мўлжалланган беш йиллик ҳамкорлик дастурини амалга оширмоқда. Унинг доирасида буюк мутафаккир ва арбоблар — Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фароғий, Амир Темур, Али Қўшчи, Камолiddин Бехзод бўйиелларига бағишланган тадбирлар ўтказилди, шунингдек, Хоразм

Маъмур академияси каби илмий муассасалар ва адабий ёдгорликлар, жумладан, “Алпомиш” достонининг тарихий саналари кенг нишонланди.

Бутунжаҳон мероси шаҳарлари — Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқандга Зарафшон — Қорақум йўлагига бўйидаги ёдгорликлар қўшилди. Ғарбий Тянь-шань ва Турон қўлларининг табиий ҳудудлари минтақаниннг ўзига хос биохилма-хиллигини акс этиради.

Президентимиз Ўзбекистоннинг ийгирмага яқин номоддий мероси — “Шашмақом”, Катта ашула, “Лазги” рақси, аския санъати, Наврўз байрами, атлас ва адрас тўқиш анъаналари ЮНЕСКО эътирофига сазовор бўлганини эслатди. Ташкилот шафелигида “Шарқ тароналари”, “Мақом санъати”, Бахшичилик, Хунармандчилик ва Этноспорт фестиваллари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган “Хива жараёни: Марказий Осиёда халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш” резолюцияси, “Кичик ёшдаги болаларга ғамхўрлик қилиш ва таълим бериш бўйича Тошкент декларацияси” ҳамда “Ахборотдан эркин фойдаланиш халқаро кунни муносабати билан Тошкент декларацияси” каби ҳужжатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ЮНЕСКОнинг кафедралари ва ҳамкор мактаблари фаолият юритмоқда. Тошкент ва Фарғона шаҳарлари Таълим шаҳарлари глобал тармоғига киририлган. Шунингдек, юзлаб маданий мерос объектилари замонавий технологиялар ва халқаро стандартлар асосида реставрация қилинди.

Президентимиз Самарқанд конференцияси доирасида қўшимча тадбирлар — Бухорода замонавий санъат биеналеси, Тошкентда Мактабгача таълимни ривожлантириш минтақавий маркази очилиши, Абу Райхон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофотини топириши маросими, музейлар соҳасида сунъий интеллектни қўллаш масалалари бўйича конференция ўтказилаётганини маълум қилди. Шунингдек, Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги квалификацияларини тан олишга оид Глобал конвенцияга қўшилди.

Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларини ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни илгари сурди.

Инклюзив таълимни ривожлантириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш устувор йўналиш экани таъкидланди. Президентимиз ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун Инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини яратиш ва Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказишни таклиф қилди. Ўзбекистон ЮНЕСКО шафелигида “Сунъий интеллект — мактаб” пилот лойиҳасини амалга ошириш ва Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар форумини ташкил этишга тайёр.

Ўзбекистон етакчиси номоддий маданий меросни асраб-авайлаш зарурлигини таъкидлади. Халқ оғзаки ижоди, қўлёзмалар, архивлар ва қимматли тарихий ҳужжатлар, маданий маълумотлар каби ноёб мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида таъсис этилган ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантиришдан манфаатдорлиги билдирилди.

19 ноябрь санасини Халқаро ҳужжатли мерос кунини деб эълон қилиш, шунингдек, ЮНЕСКО тузилмасида Рақамли мерос халқаро институтини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари 2027 йилда Бухорода ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар тармоғи доирасида Хунармандчилик ва халқ амалий санъати бўйича халқаро конгресс ўтказишни таклиф этди.

Президентимиз гендер тенглигини илгари суриш ва хотин-қизларнинг етакчиликл қобилиятини ривожлантириш мақсадида ЮНЕСКОнинг Хотин-қизлар етакчилиги академиясини ташкил этиш ҳамда Самарқанд дунёнинг барча кўнгаларидан таниқли тадқиқотчилар, санъат намоянадалари, педагоглар ва новаторлар иштирокида Таълим, маданият ва илм-фан соҳаларидаги хотин-қизларнинг глобал форумини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Иқлим иқтирозига қарши биргаликда самарали курашиш ҳам долзарб масала сифатида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари иқлим ўзгариши маданий меросга салбий таъсир қўлғабетаётганини таъкидлаб, “ЮНЕСКОнинг Экологик пойтахти” глобал ташаббусини таъсис этиш, шунингдек, ЮНЕСКО Ижрия Кенгашининг “Глобаллашув ва иқлим ўзгариши шароитида маданий меросни асраш тўғрисида”ги резолюциясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Ўзбекистон Хива шаҳрида шу мавзуда халқаро симпозиум ўтказишга тайёргилигини билдирди.

Виртуал маконда ноҳолис ахборотлар тарқалишига қарши курашиш, жамоатчилик фикрини ҳимоя қилиш ва камситишларга қарши курашиш ҳам устувор йўналишлар қаторида. Президентимиз Болалар маданий контенти халқаро фестивалини ўтказиш ва ЮНЕСКОнинг Медиа саводхонлигини ривожлантириш бўйича комплекс стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, радикализм ва исломофобияга қарши курашиш, ислом маданияти ва маърифатини бутун дунёда тараннум этиш кераклигини таъкидлади: “Бағрикентлик сари, ўзаро тушуниш ва тотувлик каби умуминсоний гоғларни кенг тарғиб этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим”.

Ўзбекистондаги ноёб лойиҳалар — Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий ва Баҳауддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказлари салоҳиятидан фол фойдаланиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Президенти форум ҳамкорлигининг янги йўналишларини белгилаш, ўзаро ишонч ва глобал шериклигини мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни илгари суришда муҳим қадам бўлишига ишонч билдирди.

— ЮНЕСКОнинг боқий аънава ва қадриятларидан куч олаётган “Самарқанд руҳи” бизни умумий тараққиёт сари янада бирлаштишга ундайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчиларига муваффақият ва самарали фаолият тилаб, Таълимнинг тинчлик, дўстлик ва ўзаро англашув тисмоли бўлган Самарқанд шаҳрида ўтаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Бу Ўзбекистоннинг юксак халқаро нуфузи ва цивилизациялар мулоқотини ривожлантириш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш ҳамда инсоният маданий меросини асраб-авайлашга қўшаётган ҳиссасини тасдиқлайди.

Очилиш маросими якунида Ўзбекистон ва хориж санъат усталари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Унда симфоник оркестр, хор жамоаси ва миллий ансамбль икросида ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари ва жаҳон мусиқасининг сара асарлари замонавий тилқинда янгради.

Форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азуленга қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТнинг ушбу нуфузли институтини ўртасидаги кўп қиррали шериклигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида Одри Азуле давлатимиз раҳбарини тарихий воқеа — ташкилот Бош конференциясининг 43-сессияси сўнгги 40 йилда илк бор ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳи ташқарисида ўтказилаётгани билан самимий табрикллади.

Ўзбекистоннинг конференцияни юксак савияда ташкил этиш, шунингдек, уни амалий аҳамиятга эга тадбирлар билан бойитиш борасидаги кенг қўллаш ишларига ижобий баҳо берилди.

Хусусан, ЮНЕСКОнинг Мактабгача таълим бўйича минтақавий маркази ишга туширилади, Беруний мукофоти гоғлибарини тақдирлаш маросими, Самарқанд шаҳрининг 3000 йиллиги муносабати билан махсус тадбир, шунингдек, музейлар, сунъий интеллект, гендер мавзуси бўйича форумлар ва бошқа қўллаб тадбирлар ўтказилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликда юксак даражада эришилганини мамнуният билан қайд этилди. Биргаликда болалар таълими бўйича бутунжаҳон конференцияси ўтказилди, Парижда Берунийнинг 1050 йиллиги нишонланди, буюк алома шарофига халқаро мукофот таъсис этилди.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ЮНЕСКОнинг учта муҳим резолюцияси қабул қилинди. Ташкилотнинг махсус рўйхатларига Ўзбекистоннинг бир қатор янги объектилари ва маданий қадриятлари киритилди.

ЮНЕСКО билан шериклигини янада кенгайтириш ва чукүрлаштириш, устувор йўналишларда янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёргили билдирилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти фан, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришдаги катта хизматлари ҳамда халқимизнинг бой маданий меросини кенг омаллаштиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун Одри Азуле хонимга давлатимизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” орденини топириди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ, Икром АБВАЛБОВЕВ, ЎЗА махсус мухбирлари

МАДАНИЙ ТИКЛАНИШ, ЎЗАРО ТУШУНИШ ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР МАЙДОНИ

ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ 43-СЕССИЯСИНИНГ ХОРИЖИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНЖУМАН ҲАҚИДА

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси 30 октябрь кунини маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган қадимий Самарқандда очилди. Бу тадбир нафақат халқаро, балки тарихий ҳамдир — қирқ йилдан сўнг биринчи марта ташкилот форуми Париждан ташқарида ва Марказий Осиёда ўтказилмоқда.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. — Бундай нуфузли форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётганини Ташкилотга аъзо давлатларнинг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўллаш, жадал ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси деб қабул қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўз навбатида, ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле “Келишмовчиликлар мулоқотини тўсиб қўйиш мумкин бўлган бир пайтда ушбу конференция бизга келажакимиз ўзаро боғлиқ эканлигини эслатиши керак”, деди.

Эътироф



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон мана шу анжумани юқори даражада ўтказётганидан мамнунмиз. Бу ерга 110 дан зиёд мамлакатдан вакиллар келиб турибди. Бу олдинги йиғилишдан ҳам кўп.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг саяё-ҳаракатлари билан ушбу афсонавий шаҳарда бўлиб турибмиз. Самарқанд чиндан ҳам афсонавий шаҳар, кўҳна кентнинг географияси ва тарихи бўлиниш истагига қарши турадиган мулоқот ва алмашинувни рағбатлантиради. Чунки бу ерда қадимги Сугдиёна ва Бактрия даврларидан бошлаб дунё халқлари саёҳат, савдо ва мулоқот қилган.

Самарқанд — унда қабул қилинган аҳдлар ҳеч қачон бузилмайдиган муҳим савдо маркази сифатида аста-секин мустаҳкам шаҳарга, улкан империя пойтахтига, зиёдилар ўчоғига, бадий ижод камол топувчи марказга айланди.

Ўзбекистонга мана шундай таъкилотчилиги, ЮНЕСКО билан кенгайиб бораётган шерикчилиги учун чуқур миннатдорчилик билдираман”, дея мамнунлигини изҳор қилди.

Биз юқорида тинчлик ва бағрикенглик тутумларининг янги қиёфаси ҳақида айтган эдик. Мартабали меҳмонларимизнинг бу эътирофлари эса фитратимизда бошқа бир ҳақиқатларни ҳам жонлантиради.

Дарёлар оққан жойларига яна оқмоқ учун қайтиб келадилар. Бу табиат қонунига неча асрлар ўтиб, бугун яна дунёни ҳайратга солаётган “Самарқанд руҳи”, кўз ўнгимизда содир бўлаётган “Янги Ўзбекистон феномени” жавоб бермоқда.

ДАРЁЛАР ОҚҚАН ЖОЙЛАРИГА ЯНА ОҚМОҚ УЧУН ҚАЙТИБ КЕЛАДИЛАР

Таърифлангандек, аҳдлар ҳеч қачон бузилмайдиган шаҳар сифатида ишонч уйғотадиган Самарқанд замини Президентимиз таъбири билан айтганда, “Биз ЮНЕСКОнинг олижаноб ва эзгу мақсадларига қатъий содиқмиз. Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида уйғунлик кўприги, барча учун очик ва конструктив ҳамкорлик майдони бўлишга ҳамиша тайёр”.

Эндиги гап сиёсий ирода ва эзгулик сари қувватланиш ҳоли ҳақида.

Шу ўринда Хондкер Мухаммад Талҳанинг эътирофини тўлалигича эътиборингизга ҳавола қилишни мақсадга мувофиқ топдик: “Буюк Ўзбек шоири Алишер Навоий билим ва донолик инсоннинг безагидир деган эди. Бу сўзлар Ўзбекистон Президентини фаолиятида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Жаноб Президент илм-фан, бой маданий мерос, давлат хизмати ва умумхалқ манфаатларини умумлаштирган ҳолда

ушбу йўлда фидокорона меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда бу қадриятлар ЮНЕСКО ғоялари билан ҳамоҳангдир. Шу боис, Ўзбекистон Президентини тинглаш биз учун катта шараф.

Мухтарам Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаолияти ҳақиқий давлат арбобининг йўли. Кучли билим, донолик ва мамлакат тақдири учун чуқур масъулиятни ўзида мужассам этган Ўзбекистон етакчиси ўзининг кенг амалий тажрибаси ва стратегик қарашларига таяниб, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий концепциясини шакллантира олди ва уни жамият манфаатлари йўлида қатъият билан амалга ошириб келмоқда.

Ўҳурматли Президент Жаноби Олийлари раҳбарлигида мамлакат барча соҳаларда мисли кўрилмаган тараққиётга эришди. Ўзбекистон ўзини дунёга очди, мулоқот ва прагтик дипломатия йўлини танлади. Мамлакат инсон кадр-қимматини улуглашга қаратилган эзгу



тамоийилларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигини таъминлаш йўлида дадил илдамлаётти.

Ўзбекистон таълим соҳасида кенг қўламли ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Мамлакатда университетлар сони 2 баробар ошди. Олий таълимдан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди, замонавий таълим тизими ва инновацион таълим марказлари яратилмоқда.

Айниқса, ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилаётгани уларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, меҳнатини қадрлаш борасидаги ишлар доимий эътибор марказида экани чуқур ва узоқ мuddатли ўзгаришларнинг яққол белгисидир. Билим, меҳнат ва ижодкорлик яна жамиятнинг асосий қадриятларига айланди. Бу миллий уйғонининг янги босқичи, Ўзбекистон маданияти ва тарихий меросини ҳам қамраб олган уйғонини даврининг ифодасидир.

Ўзбекистон жаҳон мероси рўйхатиغا киритилган 7 та объекти ва ЮНЕСКО

томонидан эътироф этилган 16 та номдодий маънавий мероси билан фахрланади.

Шунингдек, чегаравий доминациялар бўйича ҳам халқаро тан олинисларга эришилган. Меросни асраш ва уни қўллаб-қувватлаш борасидаги саяё-ҳаракатлар орқали Ўзбекистон раҳбари бу йўналишга янги мазмун бағишлади. Маданият, тарих ва миллий анъаналарни барқарор ривожлантириш, мулоқот ва халқлар ўртасидаги ўзаро тушунишнинг кучли воситасига айлантиришга муваффақ бўлди. Бу, айниқса, Самарқандда яққол сезилиб туради. Шаҳар нафақат тарихга гувоҳ бўлган, балки унинг шаклланишига ҳам бевосита ҳисса қўшган. Асрлар давомида ривожланиб, мулоқот ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган.

Бугун биз ушбу конференцияни 40 йилдан буён биринчи марта таъкилотнинг марказий штаб-квартирасидан ташқарида ўтказмоқчимиз. Бу эса, албатта, Ўзбекистон Президентининг тарихий ташаббуси туфайлигина амалга ошди.

Биз Президент Жаноби Олийларига таъкилот мақсади ва миссиясини сўзсиз қўллаб-қувватлагани, шунингдек, халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва тушунишни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссалари учун самимий миннатдорлигимизни билдирамиз”.

Тахликали ҳаётда халқ ишончини қозониш, фаровон келажақ сари чорлаш, бу йўлда қисқа вақтда бемисл натижаларга эришиш катта сиёсий ирода ва зўр қудрат талаб қилади. Ўз ватани ва халқини севиш, ардоқлаш, улар бахти ва порлоқ келажаги учун ўзини аямаслик бу — шунчаки тақдир эмас. Бу — буюк неъмат. Юқоридаги эътироф бизга шундай хулосалар чиқариш учун имкон бермоқда.

ЮНЕСКОнинг тарихий конференцияси моҳиятига қайтадиган бўлсак, айтиш жоизки, таъкилот мақсадлари ва унинг маънавий руҳи бугун янги Ўзбекистон танлаган йўл ва ортга қайтмас тус олган ислохотларимиз мазмун-моҳияти билан ғоят уйғун эканини таъкидлаш мумкин.

Зеро, кейинги йилларда дунёга очилган, дунё ҳам унга бағрини кенг очаётган янги Ўзбекистонда таълим-тарбия, илм-фан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, инновациялар, иқтисодий юксалиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, миллатлараро бағрикенглик сиёсати, ҳуулас, барча-барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жамиятимизда бир бутун бўлиб одамларда ҳаётдан розилик ҳиссини мустаҳкамламоқда.

Бу ЮНЕСКО конференцияси очилиш маросимида билдирилган фикрлардан чиқарган илк хулосаларимиз эди. Ишончмизки, Самарқандда ўтаётган бу воқеалик нафақат бизга, балки бутун дунё жамоатчилигига кўп яхши хулосалар қилиш имконини беради.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ АСОСИЙ ҲАМКОРИ

Халқаро конференция



Баҳромжон СОТИБОЛДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Стратегик
ва минтақаларо тадқиқотлар
институтини бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон ташаббуси билан 2017-2025 йилларда юртимизнинг “Бахши”, “Лазги”, “Палов”, “Аския”, “Миниатюра”, “Наврўз”, “Шашмақом” “Атлас ва адрас тўқш анъаналари”, “Ипакчилик ва тўқув учун анъана-

вий ипак ишлаб чиқариш”, “Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларни такрорлаш анъаналари” ЮНЕСКО номдодий маданий мероси рўйхатига киритилди.

Ҳозир Инсониятнинг номдодий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритиш учун “каштачилик санъати”, “қорақалпоқ ўтовларини тайёрлашда амалий билимлар ва кўникмалар”, “қўбиз ясаш ва ижро этиш санъати”, “анъанавий кигиз тайёрлаш” ва “ўзбек кураши” каби янги элементлар ЮНЕСКОга тақдим қилинган.

1995 йил ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли — мулоқот йўли” дастури доирасида Самарқандда минтақамиз цивилизациялари тарихини ўрганадиган Марказий Осиё тадқиқотлари институти очилди.

Шунингдек, 2027 йилгача бўлган беш йиллик ҳамкорлик дастури самарали амалга оширилмоқда. У таълим, фан, рақамли ривожланиш, маданият ва барқарор туризм соҳаларида устувор вазифаларни қамраб олган.

Самарқандда бўлиб ўтаётган нуфузли конференция ЮНЕСКОнинг 80 йиллик юбилейи арафасида таъкилот этилмоқда. Тадбирни ЮНЕСКО бош қароргоҳидан ташқарига кўчириш тўғрисидаги қарор жуда кам учрайдиган ҳолатдир. Бу анжуманга меъзолик қилувчи давлатга юқори даражадаги ишончдан далолат беради. Яъни тадбирнинг Самарқандда ўтказилаётгани Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга халқаро ҳамжамият яхши баҳо бераётганига ишора ҳисобланади.

Жаҳоннинг илгор тажрибасини чуқур ўрганиш ва жалб этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО

кафедралари тармоғи кенгаймоқда. Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида “Дунё динларини тадқиқ этиш”, “Сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳит муҳофазаси”, “Маданият туризми”, “Ипак йўлида барқарор тарихий туризм” каби кафедралар очилган. Халқимизнинг ноёб маданий-тарихий меросини асраш соҳасида ҳамкорликни янада фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКО кўмағида “Шарқ тароналари”, бахшичилик санъати, хунарандлик фестиваллари, “Мақом санъати” каби қатор йирик халқаро тадбирлар таъкилот этилмоқда.

Жорий йил апрель ойида Хива шаҳрида IV Халқаро бахшичилик санъати фестивалида 40 дан ортқ давлат вакиллари иштирок этди. Мазкур нуфузли тадбирда 200 га яқин бахши, оқин, жиров, фольклоршунос ва мусиқашунос олимлар иштирок этди. 2025 йил 1 сентябрь куни Самарқанддаги Регистон майдонида италиялик машҳур тенор Андреа Бочеллининг ЮНЕСКО шафелигидаги концерти бўлиб ўтди. Ушбу тадбир маданиятлараро мулоқот ва мусиқа орқали дунё халқларини яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон томонидан ЮНЕСКОга 2024-2025 йиллар учун бир қатор халқаро юбилей саналар таъкилот этилиб, таъкилот Бош конференциясининг 42-сессияси доирасида маъқулланган.

Умуман олганда, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг ишончли ҳамкорларидан бирига айланган. Мамлакатимиз маданият, таълим, илм-фан, рақамли инновациялар ва табиий мерос соҳаларида минтақада етакчи гуманитар марказ сифатида тан олинмоқда.

САМАРҚАНДАДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЕТАКЧИЛИГИ БЎЙИЧА ЮНЕСКО АКАДЕМИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Мукаррам НУРМАТОВА,
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
раиси ўринбосари

Давлатимиз раҳбари анжуманда сўзлаган нутқида қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, таъкилот дунё халқларининг миллий ўзлигини сақлаш, маданий меросини асраб-авайлаш, турли динлар ўртасидаги яқин мулоқотни кучайтиришдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

МУЛОҚОТ ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРГА ЎЗИГА ХОС РАМЗИЙЛИК БАҒИШЛАЙДИ

Словакия Президентини Петер Пеллегрини 29 октябрь куни амалий ташир билан Ўзбекистонга келди.

Самарқанд шаҳрида олий даражадаги икки томонлама музокаралар бўлиб ўтди ва Словакия етакчиси ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясида иштирок этди.

Ушбу воқеа Ўзбекистон — Словакия муносабатларида янги босқич бошланиши ва икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқот мустаҳкамланишини англатади.

Словакия 1992 йил 24 январда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлатлардан. 1993 йил январда икки томонлама дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўшандан буён икки мамлакат ўртасида мустаҳкам алоқалар ривожланиб келмоқда. Бу алоқалар сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати ва модернизацияси шариоитида янада мустаҳкамланди. 1996 йилдан буён Тошкентда Словакия элчихонаси очилиши ва 2008 йили Братиславада Ўзбекистоннинг фахрий консули тайинланиши дипломатик муносабатларни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамларни белгилаб берди. Сўнгги йилларда сиёсий мулоқот сезиларли даражада жонлангани кузатилди.

2024 йил март ва сентябрь ойларида Ўзбекистон ва Словакия ташқи ишлар вазирлари Туркияда бўлиб ўтган Антاليا дипломатик форуми ва БМТ Бош Ассамблеяси доирасида учрашди. Унда ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга ўзаро содиқлик яна бир бор тасдиқланди.

2025 йил январда Тошкентда ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи давраси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Словакия ҳамкорлигини изчил равишда чуқурлаштиришга содиқ экани яна бир бор тасдиқланди. 2025 йил июнда Словакия Бош вазир Роберт Фицо расмий ташир билан Ўзбекистонга келди. Музокаралар якунида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу эса Тошкент ва Братислава ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. 1990 йилларнинг охирида Словакия Миллий Кенгаши спикери Йозеф Мигаш расмий ташир билан Тошкентга келди. 2023 йил апрелда Борис Коллар бошчилигидаги Словакия парламенти делегацияси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси раҳбарияти билан музокаралар ўтказди. 2025 йил март ойида Олий Мажлис Сенати ва Словакия Миллий Кенгаши ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик гуруҳининг таркиби тасдиқланди. Бу эса парламентлараро мулоқотга барқарор ва амалий тус берди.

Ўтган ўн йилликларда иқтисодий ҳамкорлик нисбатан камтарона бўлган бўлса-да, ҳозир томонлар ушбу йўналишдаги шериклиқни жадаллаштиришга интилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, инвестиция муҳитини либераллаштириш ва мамлакатнинг шериклар учун очиклиги Словакия бизнеси учун қўлай шароитлар яратмоқда. Хусусан, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2024 йилда 59,7 миллион долларни, 2025 йил январь-сентябрь ойларида эса 55,7 миллион долларни ташкил этди. Хизматлар ва рангли

металлар Ўзбекистон экспортини, машинасозлик, ускуналар ва кимёвий маҳсулотлар эса Ўзбекистон импортнинг асосий қисmini ташкил қилади. Ўзбекистонда Словакия капитали иштирокидаги олти корхона фаолият юритади. Улардан тўрттаси 100 фоиз хорижий инвестиция ҳисобида очилган.

2023 йил августда Ўзбекистон делегацияси Ўзбекистон — Словакия бизнес форумида иштирок этиш учун ушбу мамлакатта ташир буюрди. 2025 йил майда Словакия томонидан иқтисодиёт вазири ўринбосари Владимир Шимонек расмийликда Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу қадамлар саноат, энергетика, машинасозлик, фармацевтика ва меҳнат миграцияси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалий амалга ошириш учун асос яратди.

Таълим ва инсон ресурслари соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилган. 2014 йилдан буён Словакия ҳукумати Ўзбекистонлик талабалар ва ёш тадқиқотчилар учун стипендиялар ажратмоқда. 2025 йилда миграция ва меҳнат ресурслари бўйича Ўзбекистон — Словакия форуми бўлиб ўтди. Форум давомида Иш бевуричлар федерацияси ва Словакия кадрлар агентликлари ассоциацияси билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Гуманитар алоқалар Ўзбекистон — Словакия мулоқотининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. 1997 йилда маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланган бўлиб, у делегациялар алмашуви, қўшма маданий лойиҳалар ва халқаро тадбирларда иштирок этиш имконини беради.

1998 йилдан буён Тошкентда Ўзбекистон — Словакия дўстлик жамияти фаолият юритмоқда ва у икки мамлакат халқларини бир-бирига яқинлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бунга ёрқин мисол сифатида 2018 йилда бўлиб ўтган “Чехословакия, Чехия ва Словакия киноси кунлари”, шунингдек, таниқли словак пианиночиси Эдуард Йамбор иштирокидаги концертни келтириш мумкин.

Туризм соҳаси ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири. 2019 йилда Словакия фуқаролари учун визасиз режим жорий этилгани сайёҳлик ривожига ҳисса қўшмоқда. Ўша йили Ўзбекистонга 1000 дан кўп словакиялик сайёҳ келган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 1700 дан ошди.

Словакия Президентининг Самарқандда бўлиб ўтадиган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасида Ўзбекистонга таширлик икки томонлама муносабатларга ўзига хос рамзийлик бағишлайди. Маданият ва дипломатия, тарих ва келажақ бирлашадиган Самарқанд шаҳри халқлар ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланадиган ва ҳамкорлик учун янги ташаббуслар туғилдиган муҳим майдонга айланди.

Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати, модернизация ва дунёга очикликка содиқлиги ўзбек-словак муносабатларини янги босқичга — ўзаро ҳурмат, ишонч ва барқарор ривожланишга умумий садоқатга асосланган стратегик шерикликка қўтариш учун қўлай шароитлар яратмоқда.

“Дунё” АА

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: 10 МИЛЛАРД ДОЛЛАРЛИК САЛОҲИЯТ

Йил бошида 2030 йилга бориб дунё иқтисодиётида сунъий интеллект ҳажми 15 триллион долларга етиши прогноз қилинган бўлса, ҳозирги таҳлиллар бу рақам 20 триллион доллардан ортишини кўрсатяпти. Яқинда Президентимиз раислигида ҳудуд ва тармоқларда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтирилган ушбу статистикадан ҳам соҳанинг режа қилингандан жадал илғорлаб бораётганини билиш мумкин.



Ҳақиқатан, қисқа фурсатда сунъий интеллект технологиялари тақомиллашиб, уни турли соҳаларга таъбиқ этиш кўлами кенгайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, тармоқ самарадорлиги қарасига ортишига хизмат қилляпти. Президентимиз “Бугун инсоният янги цивилизация босқичига — сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлади”, дея таъкидлаганидек, давлатлар тараққиётида сунъий интеллектнинг ўрни йил сайин ортиб бормоқда.

Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда бу замонавий технологияни тараққий эттириш ҳамда соҳалар фаолиятига олиб кириш бўйича самарали ишлар кетмоқда. Хусусан, ўтган йили сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланди ҳамда Рақамли технологиялар вазирлигида мазкур соҳа билан ишлайдиган алоҳида марказ ташкил этилди.

Марказнинг қизгин фаолияти ва стратегияда белгиланган аниқ режа-мақсадлар амалга оширилиши натижасида ўтган бир йилда мамлакатимиз сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича халқаро индексда 17 погона юқорилади, яъни дунёда 70-ўрин, Марказий Осиёда 1-ўринни қайд этди.

2030 йилда сунъий интеллектга асосланган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард долларга етказиш режа қилинган. Лекин ҳорийкий экспертлар Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳиятини 10 миллиард долларга баҳоламоқда. Яъни маррани янада баландроқ олиш имконияти мавжуд.

Албатта, давлатимиз раҳбари томонидан яқинда қурилишининг иккинчи босқичига тамал тоши қўйилган пойтахтимиздаги АТ-парк фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда АТ-парк резидентлари сони 3200 тага етди. Ўтган йили улар томонидан 1 миллиард 600 миллион долларлик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йил якуни билан 2,5 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда. Экспорт ҳажми эса илб бор 1 миллиард долларлик маррадан олиш режалаштирилган. Лойиҳанинг иккинчи қисмига киришилгани бу йўлдаги ислохотлар самарасини қаррасига кўпайтиради.

Видеоселекторда қайд этилган тармоқдаги ислохотлар самараси ҳамда олдинги қўйилган аниқ мақсад ва режалар билан танишиб, келгусида сунъий интеллект ривож буйича ўйлаганимиздан ҳам юқорироқ натижаларга эриша олишимизга амин бўласиз киши.

Йўғ-э?!

Бугунги замонавий технологиялар даврида одамларни ҳайратда қолдириш жуда қийин. Аммо кунора сунъий интеллект ўзининг янги қирраларини намойиш этиб, инсониятни маҳлиё қилляпти. Сунъий интеллект технологияларининг таълим, тиббиёт, банк-молия, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш каби турли йўналишларда иш самарадорлигини қаррасига ошириши давлатлар эътиборини тортиб, уни тақомиллаштиришни бугунги куннинг муҳим вазифасига айлантирмоқда.

Сунъий интеллект асосида янги инновацион лойиҳаларни амалиётга таъбиқ этишда юртдошларимиз, айниқса, кучли билимга эга ёшлар ҳам жонбозлик кўрсатяпти. Улар яратаятган дастурлар имкониятларини ўрганиб, беихтиёр “Йўғ-э”, деб юбурасиз киши. Турли соҳалардаги муаммоларга тезкор ва аниқ ечим бериши, иш самарадорлиги ҳақида эшитиб, қизиқиш янада ортади.

Президентимизга АТ-паркка ташрифи чоғида шундай инновацион лойиҳалардан

бир нечтаси, жумладан, “AI Maktab” платформаси, “PromptLab”, “Detecting-AI”, “KotibAI” кабилар тақдимот қилинди. Уларнинг барчаси турли соҳалар фаолияти самарадорлигига катта ҳисса қўша олиши билан юқори баҳоланмоқда.

Мисол учун, таълим тизимида кўпроқ қўлланиладиган “Detecting-AI” платформаси 350 минг фойдаланувчисига эга, у 2 миллион долларга баҳоланмоқда. “Detecting-AI” талаба-ўқувчиларнинг ўй ишлари, мустақил иш ва тақдимотларни, ҳатто диплом иши, диссертацияларни ўзи мустақил бажаргани ёки сунъий интеллектдан фойдаланганини аниқлай олади. Бажарилган ишларда сунъий интеллектдан фойдаланганини фойзаларда кўрсатиши ўқувчи билимини тўғри баҳолаш имконини беради.



Яна бир дастурий таъминот — “KotibAI” аудио ва видеоёзувлари матнга айлантириш, маттни аудио форматга ўтириш, ўзбек, рус ва инглиз тилларидадан матнларни таржима қилиш ҳамда матндаги имло ва грамматик хатоларни текшириш ишларини сифатли ва тезкор амалга ошира олади.

Шунингдек, сунъий интеллект ёрдамида инглиз тилини ўрганишга кўмаклашувчи “Speaklish.uz” ҳамда чакана савдоини оширишга кўмаклашувчи “Tass Vision” компаниясининг муваффақиятли инновацион лойиҳаларини ҳам фаол ўзбек ёшлари амалиётга таъбиқ этмоқда. Уларнинг сунъий интеллект асосидаги инновацион лойиҳаларининг санаб санаюрга етиб бўлмайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам хавфсизлик, соғлиқни сақлаш, банк-молия соҳаларида сунъий интеллект асосида ишлайдиган турли дастурлар амалиётда қўлланилмоқда. Жумладан, дунёда биринчи бўлиб Тошкент метрополитенида сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган “MyID Palm” технологияси, яъни кафт орқали тўлов қилиш тизими жорий этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида сунъий интеллектдан асосан, касалликка ташхис қўйишда фойдаланилади. Масалан, оғир хасталиқлардан бири — кўкрак беи саратони касаллигига ташхис қўйишда сунъий интеллект имкониятларини қўллаш бўйича ишланмоқда. Шунингдек, банк-молия соҳасида сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган “My ID”, жамоатчилик хавфсизлиги бўйича “UzFace” технологияларидан фойдаланилмоқда.

Улар орасида энг эътиборлиси Сирдарёдаги фермер хўжалиқларидан бирида пахта етиштиришда сунъий интеллект асосида ишлайдиган дроилардан фойдаланилаётганидир. Ушбу мотамалар, асосан, экинлар касаллигини аниқлаш, дорилаш ва сугоришда қўлланилмоқда. Замонавий технологиялар экин ҳолати бўйича тез, аниқ тахлилий маълумотларга эга бўлиш, экинларга зарар етказмасдан дорилаш имконини бermoқда. Шунингдек, иш самарадорлиги ортишига замин яратмоқда. Масалан, фермер хўжалигида икки дрон ва уч ходим 10-15 та тракторнинг ишини бажара оляпти.

Сунъий интеллект ва иқтисодиёт

Ривожланган давлатлар, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг асосий тармоқларига сунъий интеллектни таъбиқ этишга ҳаракат қилмоқда. Мисол учун, қишлоқ хўжалиги тармоғида сунъий интеллектдан унумли фойдаланиш бўйича АҚШ етакчи.

Улар сунъий интеллект асосида ишлайдиган дрон, трактор ва роботлардан кенг фойдаланади. Айниқса, бегона ўтлардан тозалаш, сугориш, дорилаш ҳамда еринг ҳолати, зарарланган экинларни тахлил қилишда бу қурилмалар жуда асқаяпти.

Дунё қишлоқ хўжалигида сунъий интеллект асосида ишлайдиган технологиялар — “John Deere’s See & Spray” (бегона ўтни аниқлаб, ўша жойининг ўзига кимёвий модда пуркайди), “Gamaaya” (гиперспектрли камера орқали ҳосил сифатини баҳолайди), “John Deere AI Tractor” (мустақил ҳаракатланади, тўсиқларни таниб, йўналишини ўзи танлайди), “IBM Watson Decision Platform for Agriculture” (об-хаво, тупроқ, дрон маълумотларини бирлаштириб, фермерга қарор тавсия қилади) кабилар кенг қўлланилади.

Саноат соҳасида эса Хитой энг юқори кўрсаткичга эга. Статистик маълумотларга кўра, Хитой 2025 йил ҳолатида тахминан 30 мингта “ақли завод” (smart factory) қурган. Дунёда саноат тармоқларига ўрнатган роботлар жами сонининг 54 фоизи шу давлат ҳиссасига тўғри келади. Саноатда замонавий технологиялардан вақтни тежаш, инсон ҳаёти учун хавфли ҳолатларнинг олдини олиш, иш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланилмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасига энг кўп сунъий интеллектни жорий этган давлат Сингапур. Бунга мамлакатнинг кичик география ҳудудда жойлашгани ҳам катта қулайлик берди. Албатта, биринчи навбатда, соҳадаги тартибли ислохотларнинг ўрни катта. Дунё миқёсида хизмат кўрсатиш соҳасида кўпроқ миқозлар билан суҳбатлашиб, қарашларини ўрганиш ва бошқа давлат хизматларини кўрсатишда кенг қўлланилмоқда.

Бу соҳаларда Ўзбекистонда эътирофга молик ишлар қилиняпти. Дунё тажрибасидан унумли фойдаланиб, бу борада муваффақиятли давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Сингапур билан сунъий интеллектни давлат хизматларига таъбиқ этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзбекистон айна йўналишда Марказий Осиёдаги йирик “сунъий интеллект хаби”га айланиш йўлидан бормоқда. Бу эса давлат ва жамиятнинг келгуси тараққиёти, янги Ўзбекистон ривожланган давлатлардан бирига айланишига замин яратяди.

Саъжар ЭШМУРОВО,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Тараддуд

ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Қишга тайёргарликни ёзда кўриш муҳимлиги ва қиш машаққатини енгиллаштириш борасида халқимизда мақоллар кўп: “Ёзда куюнган қишда суюнар”, “Ёз меваси — қиш хазинаси”, “Ёз ҳаракати — соз ҳаракат”, “Ёзги ҳаракат — кузги баракат”, “Ёзда боши пишмагanning қишда оши пишмас”, “Ёзда жароҳат кўрсанг, қишда роҳат кўрсан”, “Ёзининг ёмғиридан кўрқ, қишнинг қировидан”, “Ёзининг қуни юз турли, қишнинг қуни қирқ турли”. Бу мақоллар шундай топиб айтилганки, ўқиган ёки эшитган одам унга эътибор бермаслиги, амал қилмаслигининг имкони йўқ.

Қишда ҳам дастурхонларимиз ёздаги каби тўқинлигино хонадонларимиз иссиқлиги, электр, газ, сув таъминоти каби ҳаётини муҳим инфратузилмалар барқарор ишлаши кўп жиҳатдан мавсумий тайёргарлик юмшларининг пишиқ-пухта ўтказилганига боглиқ.

Қуни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ёқилги-энергетика соҳаси масъуллари куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қандай амалга оширилаётгани ҳамда йил якунигача белгиланган режалар ва ис-тиқболдаги вазифалар хусусида атрофлича ҳисобот берди.

Тадбирда таъкидланганидек, октябрь ойидан бошлаб энергетика тизими куз-қиш мавсуми режимида ўтказилган. Энергетика вазирлиги ва тизим корхоналарида куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида 24/7 режимида навбатчиликлар ташкил этилди. Электр таъминоти бўйича “1154” рақами ва газ таъминоти бўйича “1104” рақами орқали “колл-марказ”лар туну кун фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз бўйлаб 7455 километр электр узатиш тармоғи ва 1748 та трансформатор пункти янгиланди. Бунинг натижасида 954 та маҳалладан 800 мингдан ортиқ хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди.

Бу йил ёз мавсумида республиканинг электр энергияси истеъмоли соатида 13,3 гигаваатт, яъни кунига 270-275 миллион кВт/соат бўлган, жорий қиш мавсумида эса соатида 13,5 гигаваатт, кунига 290-300 миллион кВт/соатгача етиши кутилмоқда.

Ўтган йили 81,5 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 2025 йил якуни билан 85,5 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишга туширилган йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қуввати 4682 МВт бўлиб, улар томонидан жорий йил бошидан буюн ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 9 миллиард кВт/соатдан ошди. Гидроэлектр станциялари билан ҳисоблаганда жами “яшил” энергия ҳажми 14,5 миллиард кВт/соатдан ошди. Бунинг натижасида юртимизда умумий ишлаб чиқаришда “яшил” энергия улуши 23 фоизни ташкил қилди.

2025 йил якуни билан умумий қуввати 3000 мегаваттдан ортиқ бўлган қуёш ва шамол, 1167 мегаватт қувватли иссиқлик электр станциялари, 1500 мегаваттдан ортиқ энергия сақлаш тизимлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Шунингдек, бугунги кунга келиб, умумий 40,1 МВт қувватга эга 59 та микро ГЭС ишга туширилган. 2025 йил якунида қўшимча 15 МВт қувватдаги 13 та янги микро ГЭС ишга туширилади.

Мавсумда республикада электр энергияси истеъмоли қарийб 47 миллиард кВт/соатни (қунийк ўртача 257 миллион кВт/соат ёки ўтган йилдагидан 20 миллион кВт/соат кўп, максимал суткалик 290-300 миллион кВт/соат) ташкил этиши кутилмоқда.

Истиғиш мавсумида эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам бериш тизими йўлга қўйилган. Жумладан, 2025-2026 йилги иситиш мавсумида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўшимча моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил ноябрь ойида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, “Қамбағал оилалар реестри”га

киритилган оилалар ҳамда “маҳалла етти-лиги” томонидан қўшимча шакллантирилган рўйхатдаги эҳтиёжманд оилаларга 1 миллион сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам ажратилади.

Шунингдек, 553,8 километр узунликдаги юқори ва ўрта босимли газ тармоғи ҳамда 971 та газ тақсимлаш пункти янгиланди, модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Жорий йил бошидан 512,7 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Йил якунигача қадар яна 142,4 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилди.

Бундан ташқари, республиканинг барча ҳудудларида суюлтирилган газ етказиб бериш учун қўшимча 29 мингдан ортиқ маиший газ баллони захираси яратилди.

Яна бир муҳим масала. Суюлтирилган газ таъминоти босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштирилмоқда. Истеъмолчиларга маиший газ баллонларини манзилли етказиб беришда шаффофлиқни таъминлаш ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида янги “Face-ID” тизими ишга туширилди. Мазкур тизим орқали суюлтирилган газ истеъмолчиларининг маълумотлари базаси шакллантирилмоқда.

Газ қўйиш шохобчалари ва фўқаролар хавфсизлиги ҳамда ҳисоб-китоблар шаффофлигини таъминловчи “UGaz”



тизими ишга туширилди. Тизим орқали ҳар бир газ қўйиш шохобчасида жараёнлар реал вақт режимида қайд этилади.

Автоматизация газ қўйиш шохобчасига кирганда унинг техник қўриқдан ўтгани автоматик тарзда текширилади. Агар техник қўриқ мuddати тутаган бўлса, тизим операторга хабар беради.

Шунингдек, агар ёқилги тури мос келмаса ёки баллон рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, тизим бу ҳақда ҳам операторни шу жойининг ўзида огоҳлантиради. Бу АГТКШ, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди.

Тизим орқали табиий газни сотиш жараёналари шаффофлиги таъминланади. Яъни газ қўйиш шохобчаси қабул қилиб олаётган газ ҳажмларининг аниқ ҳисоб-китоби юри-тилади. Бу эса шохобчаларда табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, АГТКШлардаги ҳар бир газ тўлдирши

колонкаси ва ундаги ходим фаолияти онлайн назорат қилинади. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича 1512 та АГТКШ бўлиб, шундан “UGaz” тизимида 1366 таси рўйхатдан ўтказилган, шундан 691 таси тўлиқ рақамлаштирилган. Жорий йил якунига қадар қолган барча АГТКШни рақамлаштириш якунига етказилади.

Жорий куз-қиш даври учун истеъмолчиларга жами 10 миллион тонна маҳаллий ва 2 миллион тонна импорт кўмир етказиб бериш режалаштирилган. Шундан иссиқлик электр станцияларига — 4,9 миллион тонна, бюджет ташкилотларига — 660 минг тонна, аҳолига — 1,5 миллион тонна, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорларга — 3,1 миллион тонна.

Амалда иссиқлик электр станцияларига 4,2 миллион тонна (95 фоиз) етказиб берилди. Ҳозир иссиқлик электр станцияларида 724 минг тонна кўмир захираси мавжуд. Бюджет ташкилотларига мавсум бошидан 685 минг тонна (104 фоиз) етказилди. Аҳоли истеъмолчиларига мавсум бошидан 450 минг тонна кўмир берилди.

2025 йил 28 октябрга қадар хусусий тадбиркорлар томонидан жами 2,9 миллион тонна кўмир импорти амалга оширилди, жумладан, марказлашган ҳолда 727 минг тонна ёки режага нисбатан 145 фоиз кўмир импорт қилинган. Бугунги кунда омборларда 200 минг тонна импорт кўмир қолдиги мавжуд.

Куз-қиш даврида жами 995 минг тонна автобензин етказиб бериш режа қилинган. Бундан ташқари, эҳтиёж кескин ошган ҳолатлар учун 65 минг тонна автобензин захираси яратилган. Дизель ёнилғисига бўлган жами талаб 776 минг тоннани ташкил этиши кутилмоқда ва ушбу ҳажмларни ўз вақтида етказиб бериш чоралари кўрилган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ
QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Юнус БҲРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



2025 йил 31 октябрь, 223-сон

ЭКОТУРИЗМ

ЮЛДУЗЛАРИ КАФТИНГГА ҚўНАДИГАН ЮРТ

Қуёшни қарши олиш...

Қуёшни қарши олиш... Бу осон эмас. Бошдан ўтказган яхши билади. Бунинг учун анча йўл босиб, захмат чекиш, матонат ила юқорига кўтарилиш керак. Осон кўрингани билан ҳар ким ҳам эълай олмайд.

Биз ҳам мақсадни катта олиб, ҳаракатни бошладик. Режага кўра, дастлаб энгил машиналарда Шахрисабз туманидаги Қўл қишлоғига йўл олдик. Вилоят марказидан чамаси тўрт соат йўл босилди. Буёғи манзил яқин қолгандек эди. Босиб, икки томонни дара. Аммо энди тез юришга имкон йўқ. Тошлоқ ва тор йўл. Олдиндан бирор машина келиб қолса, тўхтаб ўтказиб юборишга мажбур бўлади киши. Бу ерда “Нива”дан бошқа машина учрамайди.

Йўлнинг ўнг томонида Оксув дарёси оқмоқда. Бир оз дам олиб, сувдан ҳовучлаб ичиб кўришга чоғландик. Муздек. Чанқоқни қондиришга кўрқади одам. Олисга термуламиз. Олдинда савлат тўкиб турган баланд қояларда қор эриб, суви дарёга қуйилаётгани аниқ. Атрофга боқиб, кўз қувнайди. Манзарани тасвирлашга тил ожиз. Бунақасини фақат суратларда кўриш мумкин. Айрим жойлардаги уйлар гўё қояда осилиб тургандек таассурот уйғотади. Хайратланмасликнинг илоҳи йўқ...

Қўл қишлоғига кириб бордик. Табиати ўзгача, тоғ этагидagi ажиб қишлоқ. Одамлар меҳнат билан машғул. Овул шаҳардан анча салқин. Юпун кийинган кишини учратмайсиз.

Шу ерда бир оз дам олиб, машиналаримизни қолдирадиган бўлдик. Бу ёғига “Нива”да кетдик. Ҳақиқий манзара энди бошланди. Дастлаб бизни қойил қолдирган жиҳат тоғ одамларининг меҳнаткашлиги бўлди. Сабаби камда ўн километр пастдаги дарёдан қиялатиб ариқ қазилиб, тепаликка сув чиқариб келинган. Кимдир картошка, кимдир арпа, бугдой эккан. Экин майдонлари қияликда. Тагин август бўлишига

қарамай, бугдой кўм-кўк майса бўлиб турибди. Картошка энди гулга кирган.

Машина тепалик томон ҳаракатланади. Хайдовчи шу қишлоқдан. Уловни қийинчиликсиз бошқаради. Йўловчиларнинг ҳадагини сезиб, “Хавотир олманглр, бу ёққа ҳар кун чикиб келаман”, дейди. Ҳартугул шу гапдан кейин кўнглимиз хотиржам бўлади. Тепаликка чиқиб олгач, энди пастга ана бошлаймиз. Ён томонга қарашга юрак дов бермайди. Чукур жарлик. Тош юмаласа, зовга камиди ўн дақиқада етиб борса керак. Атрофнинг гўзаллигига боқиб, кўз тўймайди.

Тахминан икки соатлардан сўнг белгиланган жойга етиб бордик. Қолган йўлда машина юролмас экан. Бизга ўхшаб келганлар ҳам уловини шу ерда қолдириб кетган. Буёғига пиёда жўнаймиз. Соат 18:00 га яқинлашиб қолганди. Йўловчимиз таклифига кўра, қалин кийимларни сафархалтага жойлаб кўтарганча йўлга тушдик. Манзилга етиш учун нақ саккиз километр масофани босиб ўттиш лозим. Машаққатли жиҳати фақат тепаликка қараб юриш керак.

Бир чақирим йўл юрмасимиздан атрофни тун пардаси қоплай бошлади. Қўлчиқроқларни ёқдик. Биз каби тепалик томон ҳаракатланаётганлар кўпчилик экан. Улар орасида кексалар, аёллар, болаларни ҳам учратиш мумкин. Ёлғизоёқ йўл илонизи бўлиб кўтарилиб боради. Аввалига унча билинмади. Юқорилаганимиз сари толика бошладик. Ҳаракатимиз сусайиб, йўл четида тез-тез ўтириб, дам оламиз. Бошқалар ҳам шундай қилади. Аксариятнинг қўлида таёқ бор. Тепаликка кўтарилишда ҳақсиза таниши анча ёрдам бераётганди. Бироқ баландга чиққан сари ҳаво совиб бораверади. Аста-секин қалин кийимларни кия бошладик. Ҳаво босими ҳам кучайди. Бир соатдан ортиқ йўл юрилгач, ҳамроҳларимиздан бири толиққанини айтиб, ортга қайтди. Биз эса олдинга ҳаракатланамиз. Лекин осон бўлмаётганди. Айрим отахонларнинг шижоатини кўриб ҳавасимиз келади. Улардан ортда қоллишга хиёлот бўлиб олга интиламиз. Нафас ростлаётган мўйсафидни суҳбатга тортаман.

— Анча йилдан бери кампирим билан шу чўққига чиқишни ният қилиб юргандик, — дейди китоблик Нурман бобо Бахриев. — Бу йил насиб этган экан. Мана, олдинлаб борапман. Кампирим чарчаб қолди. Ортга қайтариб юбордим. Набираларим билан бирга етиб оламан деган умиддаман.

Ҳайрат қилсак, етамиз. Бир маромда қадам ташлаб бораверсак чарчамаймиз. Кўп дам олган одам совийди. Шунинг учун шошилмай, бир маромда юриш керак.

Отахоннинг сўзлари бизга куч бағишлайди. Яна юришда давом этамиз. Энди чарчоқ билан бирга совуқ ҳам ҳаракатга тасирини ўтказаётганди. Соат тунги ўн бирларга бориб анча йўл босиб қўйдик. Йўл бошида юқорида кўринаётган юлдузлар энди рўпарамизга келиб қолгандек эди. Бу ерга етгунча анча машаққат чекишга тўғри келганди. Ҳамроҳларимиздан яна икки киши ортга қайтиб кетди. Нафақат ҳамроҳларимиз, балки йўлга тушган сайёҳларнинг тенг ярми ортга қайтишга мажбур бўлганди.

Ҳаво анча совиган, изгирин кўз очирмасди. Баъзан каттароқ қоя панасида ҳордиқ



чиқарамиз. Тош бўлаклари муз парчасидек ахлаган. Тун ярим бўлгани бос, энди уйқусизлик қўшилиб, ҳаракатланиш янада қийинлашганди...

Машаққат билан тонг пайти — соат 4 ларга яқин чўққига яқинлашдик. Эллик метрлар юрсак, чўққига чиқамиз. Аксарият одамлар каттароқ тош панасида дам оляпти. Соат бешга яқин қуёш чиқади. Унга қадар чўққидан — бу совуқда ўтиришини ўзи бўлмайди. Ярим соатдан сўнг тепага кўтарилдик. Каттагина тош суна. Тахминан 50 квадрат метр бор.

Бир четга ўтирамиз. Бошни баланд кўтарсангиз булутга урилагандек, қўл узатиб, юлдузни ушлаш мумкиндек яқин кўринади...

Тун ёришиб, олисдан қуёш секин бош кўтара бошлади. Ажиб ҳолат. Гўё денгиз тубидан чиқиб келаётгандай қуёш қалқиб-қалқиб кўтарилади. Офтоб нуруларини ҳар тонг илк бор шу чўққи қарши олса, ажабмас. Қуёш ҳам аввал шу баландлик билан саломлашиб, кейин атрофга қарайди, назаримда. Янги кун бошланди. Офтоб тафти аввал юзи-

мизнинг энг баланд нуқталаридан. Олисларга боқиб, Ҳисор тоғ тизмаларига кўзингиз тушади. Ястаниб ётган музликларни кўриб, ҳайратланасиз.

Бехато санаш имкони бор

Юртининг мўъжизакор манзиллари бисёр. Фақат бир оз вақт ажратиб, бориб кўриш керак, холос. Аслида, турмуш ташвишларидан ортиб, манзиллар сари отланган киши сарфлаган вақтига асло ачинайди. Мана шундай манзиллардан бири Қамаш туманида ҳам бор. Жумладан, денгиз сатҳидан 2650 метр баландликда Майданак обсерваторияси жойлашган ҳудудга қадам қўйган киши яна боришни истаб қолиши табиий. Мазкур обсерваториянинг айнан шу манзилда жойлашганини ўзига хос жиҳатлари бор.

Маълумотларга кўра, 1960-йилларнинг иккинчи ярмида юртимизнинг турли нуқталарида астроиклимларни ўрганиб юрган астрономлар айнан Майданакдан кўринадиган манзарага юқори баҳо берган. Натижада 1970 йилда шу ерда иккита расадхона барпо этилган. Расадхона мустахкам ва равшан атмосфера шаронтига эга экани, тунги осмон йилига тахминан 2000 соат мусофиро кўриниши астрономик кузатувлар учун юқори сифатни таъминлайди. Бундан ташқари, обсерватория булутлардан ҳам баландга жойлашгани учун осмонни кузатиш осон. Бугун ушбу ҳудудда экотуризмни ривожлантириш мақсадида катта ишлар қилинмоқда.

Бундан аввал ҳудудга борганимизда анча муаммага дуч келгандик. Тоғли манзил. Яқин атрофда бир нечта қишлоқ бўлса-да, йўл юриш анча қийин. Баланд-паст йўлларда машина ҳаракатланиши осон бўлмаганди. Ўшанда шу манзилга қайлашган Чит қишлоғи аҳолиси билан суҳбатлашгандик. Улар қишда муаммо кўнайиши, туман марказига қатнов узилиб қолиши каби қатор масалалар ҳақида гапириб берганди. Бугун бу ерга эътибор қаратилиб, бунёдкорлик ишлари қилиниши тоғликлар учун ҳам кенг имконият йўлини очмоқда.

Президентимизнинг “Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Шахрисабз ҳамда Қамаш туманларидаги қатор маҳалларда туризм объектлари барпо этиш белгиланди. Хусусан, шу пайтга қадар Шахрисабз туманидаги Мираки шаҳарчасида бунёдкорлик ишлари бажарилиб, деярли якунига етказилди. Жорий йилдан Майданакда янги лойиҳалар бошланди.

Қарорда белгиланган вазифаларга кўра, Катта ўра маҳалласи ҳудудидagi 58,6 гектар ерда меҳмонхона, сикаттоҳ, умумий овқатланиш объектлари, дор йўли, тоғ-чанги комплекси ва бошқа иншоотлар қурилиши назарда тутилган. Шу мақсадда дастлаб мутахассислар томонидан режа ишлаб чиқилди.

— “Майданак баланд тоғ” туристик марказида тайёр бизнес шаклида қапсула уйлар, автомобиль турар жойлари, вертолёт қўниш майдончалари ва ресторон қурилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаменти бош мутахассиси Шаҳзод Хайруллаев. — Айни пайтда ишлар жадал давом этмоқда. Ҳудуд сайёҳлар учун қўлай манзилга айлантирилмоқда. Дам олиш истагидида келувчилар бу ернинг гўзал табиати, мусофиро хавоси, яшил дунёсидан баҳраманд бўлиши учун кўнглидагидек шароит яратилади. Бу ишларни бажариш учун 49,3 миллиард сўмлик лойиҳа тайёрланган.

Илгари бу жойда иккита расадхона бўлган, холос. Табиат қўйнида дам олиш истагидида келувчиларга имконият йўқ эди. Ҳозир йўл таъмирига ҳам катта эътибор қаратилган. Келгусида Майданакка келувчилар мусофиро осмон остида юлдузларни томоша қилади. Бундан ташқари, атрофдаги арчазорлар ҳам сайёҳларни ўзига мафтун этади. Аслида, гўзал ва мўъжизакор манзаралар ҳақида минг бор эшиттандан бир марта кўрган афзал.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Хунармандлик

Заргарлик санъати ўзбек миллий маданияти тарихининг ажралмас қисми. У асрлар давомида тараққий этган кўҳна хунарлардан бири. Айни пайтда ундан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишга ҳам хизмат қилади.

Президентимиз жорий йил 26 июнда “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни қабул қилган эди. Бу ҳужжат соҳада янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, заргар усталарни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш имкониятини берди.

Буюк ипак йўлида жойлашган кўҳна Марғилон ипак, шойи, атласлари билан маълуму машҳур. Энди эса улар қаторига заргарлик анъаналари ҳам қўшилди. Бу юртининг маҳоратли хунармандлари нафақат ўз маҳсулотлари билан, балки ерошарга хунар ўргатиш орқали ҳам миллий меросимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келмоқда. Шундай хунармандлардан бири Акбарали Умаралиев. У чорак асрдан буён заргарлик қилади. Заргар “устоз-шогирд” анъаналари асосида ўнлаб ёшларга касб сирларини ўргатапти.



Заргарлик МАДАНИЙ МЕРОСДАН ИҚТИСОДИЙ ҚУВВАТГА АЙЛАНМОҚДА

— Болалигимда расм чизишни яхши кўрганман, — дейди Акбарали Умаралиев. — Мактабни тамомлаб, мусиқа йўналишида тахсил олдим, ишладим. Аммо қўлимга қалам олиб, турфа жанрларда расмлар чизишни қанда қилмадим. Ўтган асрнинг 90-йилларида Марғилондаги “Ёдгорлик” фабрикасида заргарлик устaxonаси ташкил этилаётгани, соҳага қизикқан ёшлар танлов асосида хунарга жалб этилишдан хабар топдим. Тошкентда уч ойлик қисқа курсда ўқиб келдим. Бироқ ишларимиз юришмади. Чунки заргарлик саноатида бугунгидай эътибор берилмасди. Ўша вақтда бу йўналишда аниқ бир тузилма йўқ эди.

Меҳнатига яраша рағбат, манфаат топа олмаган хунарманд оила таъвиши сабаб хорижга иш қидириб кетди. Аммо севган хунарини кўнглидан чиқармади. Ишлаб топган даромадининг бир қисмига заргарлик устaxonаси учун асбоб-ускуна

харид қилди. Шу тариқа мўъжаз устaxonага эга бўлди.

Айни дамда Марғилон шаҳридаги тарих музейи ҳузурида заргарлик устaxonаси фаолият кўрсатмоқда. Устaxonадаги бетакорр, нафис, сержилва, ранг-баранг тақинчоқлар заргарнинг меҳнат ва маҳорати, изланишлари маҳсули.

Заргарликда ҳар бир ҳудуднинг ўз услуби, тайёрлаш анъаналари бор. Фарғона заргарлик йўналишида кокилбалдоқ, қалампир-нуса тақинчоқлар тайёрлаш кенг тарқалган. У ўзига хос жилва, ранг-баранг товланиши, нозик кўринишлари билан эътиборни тортади.

— Заргар, аввало, рассом, дизайнер бўлиши керак. Кейин ундан сабр-бардош талаб этилади, — дейди уста Акбарали Умаралиев. — Заргар ишлаётганда дунёқараш, табиат уйғунлигига ҳамоҳид кўнгли, хотиржамлиги муҳим. Буларсиз бирор

натижага эришиб бўлмайди. Шогирдларимга хунармандликнинг бу жиҳатларини жуда кўп эслатаман. Инсонга ёққан ҳар бир тақинчоқ унга ярашқили бўлиши керак. Маҳсулот тайёрлашда мис, қумуш, марварид, ёқут, дур ишла-тамыз. Металлни эритиб қуйиш, зарб билан ясаш, ҳаллаш (олтин ва қумуш суви юритиш), бўртма ёки ўйилган ҳолда нақш солиш, босма қолипли усуллардан кенг фойдаланамиз.

Заргарлик буюмлари нафақат чиройли кўриниши, балки инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатлари борлиги билан ҳам эътибор тортади. Мисдан тайёрланган билагузук юрак уришини меъёрлаштиради, танадаги зарарли бактерияларни ўлдиради, қумуш қонни суюлтиради.

Юртимиз қимматбаҳо қазилмаларга бой. Кейинги йилларда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш қўлами кенгайди. Заргарликда ҳам янги давр бошланди. Яқин йилларда ҳам хунармандликнинг бир тури сифатида кўрилган мазкур йўналиш бугун саноат даражасига етди. Соҳада ишлаб чиқариш ҳажми, иш ўрни ва экспорт салоҳияти кескин ошди. Ҳуқуқий асос ва соҳага эътибор натижасида Фарғона вилоятида илк бор заргарлик маркази ташкил этилди. Янги корхонада ҳомашёдан бирамчи қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш учун шарт-шароит яратилди. Замонавий ва юқори технологияларга асосланган корхонага 6 миллион доллар инвестиция жалб этилди. Бу ерда туркиялик ва озарбайжонлик инвесторлар ҳамкорлигида умумий қиймати 2,2 триллион сўм бўлган 1,5 тонна заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади.

— Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик, хорижлик сармоядорлар учун яратиб берилган қўлай шароит, имтиёз ва имкониятлар фаолиятимизда қўл келмоқда, — дейди туркиялик инвестор Жамил Ақли. — Корхонамизда 60 дан ортиқ ишчи бор. Фарғоналик ёшларга табиий ҳомашёдан қўрилган қиймат занжирига асосланган заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни ўргатаймиз. Марказимиз соҳа учун муҳим бўлган замонавий

натижага эришиб бўлмайди. Шогирдларимга хунармандликнинг бу жиҳатларини жуда кўп эслатаман. Инсонга ёққан ҳар бир тақинчоқ унга ярашқили бўлиши керак. Маҳсулот тайёрлашда мис, қумуш, марварид, ёқут, дур ишла-тамыз. Металлни эритиб қуйиш, зарб билан ясаш, ҳаллаш (олтин ва қумуш суви юритиш), бўртма ёки ўйилган ҳолда нақш солиш, босма қолипли усуллардан кенг фойдаланамиз.

Заргарлик буюмлари нафақат чиройли кўриниши, балки инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатлари борлиги билан ҳам эътибор тортади. Мисдан тайёрланган билагузук юрак уришини меъёрлаштиради, танадаги зарарли бактерияларни ўлдиради, қумуш қонни суюлтиради.

Юртимиз қимматбаҳо қазилмаларга бой. Кейинги йилларда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш қўлами кенгайди. Заргарликда ҳам янги давр бошланди. Яқин йилларда ҳам хунармандликнинг бир тури сифатида кўрилган мазкур йўналиш бугун саноат даражасига етди. Соҳада ишлаб чиқариш ҳажми, иш ўрни ва экспорт салоҳияти кескин ошди. Ҳуқуқий асос ва соҳага эътибор натижасида Фарғона вилоятида илк бор заргарлик маркази ташкил этилди. Янги корхонада ҳомашёдан бирамчи қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш учун шарт-шароит яратилди. Замонавий ва юқори технологияларга асосланган корхонага 6 миллион доллар инвестиция жалб этилди. Бу ерда туркиялик ва озарбайжонлик инвесторлар ҳамкорлигида умумий қиймати 2,2 триллион сўм бўлган 1,5 тонна заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади.

— Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик, хорижлик сармоядорлар учун яратиб берилган қўлай шароит, имтиёз ва имкониятлар фаолиятимизда қўл келмоқда, — дейди туркиялик инвестор Жамил Ақли. — Корхонамизда 60 дан ортиқ ишчи бор. Фарғоналик ёшларга табиий ҳомашёдан қўрилган қиймат занжирига асосланган заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни ўргатаймиз. Марказимиз соҳа учун муҳим бўлган замонавий



ускуналар билан жиҳозланган. Бу дунё заргарлик саноатида рақобатбардosh тақинчоқлар ишлаб чиқариш ва экспорт миқдорини ошириш имкониятини беради.

Замонавий дизайн ва юқори сифатли маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Истиқболли лойиҳалар дастури доирасида ўқув марказлари очили, “устоз-шогирд” анъаналарини йўлга қўйиш белгиланган. Бу эса бир вақтнинг ўзида 300 га яқин янги иш ўрни яратиш, “Fergana gold” бренди остида маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиради. Бу маҳсулотлар нафақат маҳаллий, балки АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Туркия ва Хитой каби йирик бозорларда ҳам сотилади.

Вилоятда “устоз-шогирд” анъаналари асосида ишлаётган заргарлар сафи кўпайиб бормоқда. Усталарга шогирд тайёрлаш, зарур ҳомашё ва жиҳозлар сотиб олиш учун қатор имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Бу ҳам кўҳна хунар тараққиётига хизмат қилляпти.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюнани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
34751 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаххих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Ўза якуни — 02:50 Топирилди — 03:00